Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 3 май, шанба • № 35 (10.913) • Эркин нархда сотилади

ЯНГИЧА ТАФАККУРГА — КЕНГ ЙЎЛ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 30 АПРЕЛДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам халқ депутатлари!

Азиз дўстлар!

Авваламбор Ўзбекистонимизнинг Андижондек мўътабар масканида учрашиб, сиз азизларга ўз ҳурматим ва эҳтиромимни изҳор қилишга рухсат этгайсиз.

Андижон нафақат мамлакатимизнинг, балки бутун Марказий Осиёнинг жаннатга тенг гўшаларидан бири бўлиб, бетакрор табиати, сахий ва мард, ғурурли, ориятли, меҳнатсевар кишилари билан ўзига муносиб ном таратган.

Андижон бир неча минг йиллик тарихга, ўзига хос анъаналарга, ноёб деҳқончилик мактабига эга бўлган юрт.

Андижонда шаклланган ҳунармандлик ва саноат ишлаб чиқаришининг илк тажрибалари тўқимачилик, косиблик, темирчилик ва бошқа соҳалар қадимий ўзбек ишлаб чиқариш маданияти ва санъатининг сарчашмаларидан биридир.

Андижон деганда кўз ўнгимизда буюк инсон, улкан шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, темурийлар авлоди Заҳириддин Муҳаммад Бобур гавдаланади. Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсолидир.

Андижон — буюк санъат ва маданият маскани. Бу ерда туғилиб вояга етган Аббос Бакиров, Сойиб Хўжаев, Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, улкан фан дарғалари Тошмуҳаммад Саримсоқов ва Хадича Сулаймонова халқимизнинг фахрига айланган. Ғайратий, Оразий, Ҳабибий ва бошқалар ўзбек мумтоз шеъриятининг йирик намояндалари сифатида бадиий сўз қудратини, ўзбек тили ғўзаллигининг янги қирраларини кашф эта олган улуғ санъаткорлардир.

Бу заминда мустамлакачиликка қарши кураш, миллий озодлик ва юрт мустақиллигини таъминлаш йўлида жон фидо қилган жасоратли кишилар дунёга келган. Жадидчилик ҳаракатининг улкан фаолларидан бири Сулаймон Келчикбоев, Дукчи Эшон сингари юзлаб халқ фарзандлари миллий маданият ривожи ва миллий озодлик учун курашдилар. Истиқлол қурбонлари ҳақида гап кетар экан, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир қаторида андижонлик улкан шоир ва маърифатпарвар Абдулҳамид Чўлпон номини эсламаслик мумкин эмас. Унинг тарихий хизмати бебаҳодир.

Бугун мустақил тараққиёт йўлидан бораётган эканмиз, ана шу улуғ аждодларимиз орзуларини амалга ошираяпмиз. Улар кутган, умид қилган жамиятга асос солаяпмиз.

Мамлакатимизда сиёсий, маънавий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишда андижонликлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Янги мулкчилик шаклларини яратиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, саноат, қурилиш, ижтимоий соҳаларда ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Миллий меъморчилик услубида бозорлар, гузарлар, маиший хизмат шаҳобчалари қурилиб, қишлоқ инфраструктураси ривожлантирилмоқда.

Қисқа вақт ичида спирт заводи, эркаклар кўйлаги ишлаб чиқарувчи «Анконтекс», тикув машиналари ишлаб чиқарувчи «Тиксанти», минерал сув, кетчуп, спагетти ишлаб чиқарувчи «МАСК» ва бошқа йирик саноат корхоналари ишга туширилди.

Вилоят саноат мажмуидаги барча мулк шаклидаги корхоналарда ўтган йили таққослама нархларда 26 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки саноат маҳсулоти ҳажми 1,7 марта ортди.

Бутун жаҳон автомобилсозларининг ҳавасини келтирадиган «Ўз-ДЭУавто» автомобиль заводи уч йил ичида қуриб ишга туширилди.

Айни пайтда Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатнинг бирига айланди. Бугунги кунга келиб ушбу заводда ишлаб чиқарилган 50 мингга яқин автомобиль халқимиз узоғини яқин қилмоқда, чет мамлакатларга экспорт қилиниб, мамлакатимиз қудратини намоён этмоқда.

Кореялик ҳамкорларимиз билан келишувга асосан, 2000 йилга бориб автомобилларнинг бутловчи қисмларининг 70-80 фоизини ўзимизда ишлаб чиқарамиз.

Демак, мамлакатимизда яна кўплаб замонавий технологияга асосланган янги корхоналар ташкил этилади. Ҳозирнинг ўзида учта қўшма корхона ва мамлакатнинг бошқа корхоналарида 130 турдан зиёд бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси республикамиз ҳаётида катта сиёсий, маънавий аҳамиятга эга бўлиши билан биргаликда, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Биргина мисол, берилган имтиёзлар тугаган йилдан бошлаб, вилоятда ҳозирги кунда ишлаб турган қўшма корхоналар давлат бюджетига йилига 6 миллиард сўмдан ортиқ тушумларни таъминлайди. Бу бутун Андижон вилоятининг салкам бир йиллик бюджет харажатларига тенгдир.

Вилоятда халқ хўжалигига жалб этилган чет эл инвестицияларининг миқдори 300 миллион доллардан зиёд. Ҳозирги вақтда вилоятда 82 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилган. Ўтган йилда қўшма корхоналар томонидан 11 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотининг 40 фоизи демакдир.

Муҳтарам дўстлар!

Андижонлик деҳқонларнинг кейинги йиллардаги ютуқлари барчамизни қувонтирмоқда. Улар ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар ва мамлакатимиз вилоятлари ўртасида бир неча йилдан буён карвонбошилик қилиб келмоқдалар. Андижонликлар ер унумдорлигини ошириш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, деҳқончиликда янги усул ва технологияларни жорий этишда ўзига хос мактаб яратдилар.

Пахтачиликда янги технология қўлланилганлиги тўғрисида, **чигитни плёнка остига экиш тажрибаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.**

Шу усул билан ўтган йили вилоятда 10 минг гектарга яқин майдонда пахта етиштирилиб, яхши натижаларга эришилди. Бу усул ҳосилдорликни 10-15 центнерга ошириш, сувни тежаш, қатор ораларига ишлов беришни камайтириш, пахтанинг таннархини пасайтириш ва бошқа бир қанча имкониятларни очиб беради.

Пахтачиликда янги технологиянинг яратилиши ва мамлакатимизда кенг тарқалиши қишлоқ хўжалигида катта бурилиш ясашига ишонаман. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Бу йил мамлакатимизда 200 минг гектар ерга плёнка остига пахта экилди.

Вилоят ғаллакорларининг мамлакатимиз дон мустақиллигини таъминлаш борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовордир.

Улар ғалланинг сифатли, ҳосилдор ва эртапишар навларини танлаб, агротехника қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Вилоятда 1995 йилда ўртача 44 центнердан буғдой ҳосили олинган бўлса, ўтган йили уруғчиликка катта эътибор берган вилоят деҳқонлари ўртача ҳосилдорликни 50 центнердан оширдилар. Шаҳрихон, Марҳамат, Балиқчи, Бўз туманларида ҳосилдорлик 55-60 центнерга етказилди, кўплаб хўжаликлар 65 центнердан хирмон кўтардилар. Ўзларингиз ўйлаб кўринг, беш йил аввал бундай ютуқларга эришиш мумкинлиги кимнинг хаёлига келган эди?

1997 йилда вилоят бўйича гектаридан 60 центнердан ғалла ҳосили олишни ва мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига 200 минг тонна юқори навли уруғлик буғдой етказиб беришни мўлжаллаб меҳнат қилаётган экансизлар, бу марраларни ҳам муваффақият билан эгаллашингизга ва берган ваъдангизнинг устидан чиқишингизга ишонаман.

Ҳурматли дўстлар!

Амир Темур ва Бобурдек буюк бобокалонларимизнинг шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ишларига алоҳида аҳамият берганликларининг боиси шундаки, инсонлар қанчалик гўзал ва обод, гуркираб ривожланган шаҳар ва қишлоқларда яшасалар, меҳнат қилсалар, шунчалик кайфияти кўтаринки, ишлари унумли бўлган. Зеро, жамият аъзоларида она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни қарор топтириш учун аввало ҳар бир инсон ўзи яшаб турган шаҳрига, маҳалласига, хонадонига бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириши зарур.

Боболаримизнинг ана шу удумларига содиқ бўлган андижонликлар мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор билан қарай бошладилар.

Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари каби, Андижон ҳам улкан қурилиш майдонига айланди. Ўтган 1996 йил мобайнида вилоятда барча манбалар ҳисобидан 9 миллиард сўмга яқин капитал сармоялар ўзлаштирилди. Сўнгги тўрт йил ичида 2,4 миллион квадрат метр уй-жой, 25 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари қурилди.

Вилоятда миллий, замонавий меъморчилик талаблари асосида, жаҳон андозаларига мос ҳолда қад кўтараётган бинолар кўпайиб бормоқда. Теннис корти, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бинолари, автосервис салони, Андижон аэропорти қуриб битказилди, бир қанча шоҳкўчалар кенгайтирилди ва ободонлаштирилди.

Энг қувончли томони шулким, бугун вилоятда маънавий-маърифий ишларни кенг кўламда амалга оширишга, инсон тафаккурида миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Халқимизнинг бой тарихи, маънавияти, маданияти, қадриятлари ва урф-одатларини ўрганиш ва эъзозлаш, юртимизни янада обод ва гўзал этиш мақсадида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Энг чекка, олис қишлоқларда ҳам кўчалар тоза, дарахтлар бежирим оқланган, кўкатлар ва гуллар киши кўзини қувонтиради, яхши кайфият, ажойиб ором бағишлайди.

Дарҳақиқат, гўзал масканлар қад кўтараётгани, барпо бўлаётганини кўриб, ҳар қайси ёшда бўлган одамзодда ҳам покланиш, эзгу ниятларни амалга оширишга интилиш пайдо бўлиши муқаррар.

Андижон вилояти эришаётган ютуқлар бу ерда кадрлар масаласига тўғри ёндошиш, уларга нисбатан талабчанлик ва принципиал муносабат билан бир қаторда, кадрларни, авваламбор, ёш авлодни тарбиялаш ва уларга зарур шароит яратиб, ишонч билдириб, авайлаб, эъзозлаб сиёсат олиб боришида деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Бугунги имконият, ушбу фурсатдан фойдаланиб ҳал этилиши зарур бўлган, олдимизда турган айрим муаммолар тўғрисида гаплашиб олсак. Бу муаммолар нималардан иборат?

Биринчидан, Андижон мамлакатимиздагина эмас, бутун дунёда аҳоли энг зич яшайдиган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, вилоятда аҳоли сонининг ўсиш суръатлари жуда юқори бўлиб, йилига ўртача 50 минг кишига тўғри келади.

Мен аҳолини, айниқса, **ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.**

Андижон вилоятида бу энг долзарб масалалардан бири. Расмий маълумотга қараганда, ўтган йили иш қидириб мурожаат қилган 27 минг фуқаронинг 80 фоизи иш билан таъминланган. Лекин, ишончим комилки, ишга муҳтож бўлганларнинг сони бундан анча кўп. Чунки, ҳамма ҳам иш сўраб давлат идораларига мурожаат қилавермайди. Бозорлар атрофида айланиб тирикчилигини ўтказиб юрганлар асосан ёшлар.

Ҳаммамиз яхши биламиз: 15 дан то 18 ёшгача бўлган давр - инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, хулқи ва ахлоқи, маънавий қиёфаси тугал шаклланади. Ҳали суяги қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг комил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади? Биз жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топширамиз?

Жамиятимиз истиқболини, миллатимизнинг тақдирини, иқболини, бахту саодатини ўйлар эканмиз, энг аввало, мана шу саволга жавоб топишимиз керак.

Ёшлар тарбияси, таълим олиши, иш билан таъминланиши ҳақида гап борар экан, менинг фикримча, биринчи навбатда халқ таълими тизимини бутунлай қайтадан ислоҳ қилиш, аҳолисининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама барка-

(Давоми 2-бетда).

ИТАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИ — ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Кеча Италия Республикаси Президенти Оскар Луижи Скалфаро расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Бу сафар Ўзбекистон раҳбарининг Италияга қилган ташрифига жавоб тариқасида, Президент Ислом Каримовнинг таклифи билан амалга ошмоқда. Ўтган йил ёзида Европа Иттифоқига аъзо 15 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида қатнашиш учун Ислом Каримов Италияга борган эди. Флоренцияда у Италия раҳбарлари ва ишбилармон доиралари билан учрашганди. Мезбонлар мустақил Ўзбекистоннинг истиқлолига хайриҳоҳлик билдириб, мамлакатимиз билан манфаатли алоқалар ўрнатишга тайёр эканликларини изҳор қилган эдилар. Шу тариқа Италия-Ўзбекистон муносабатларини яхши йўлга қўйишда муҳим қадам қўйилганди. Иккиёқлама солиқ олмаслик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида бир қатор ҳужжатлар имзоланиб, италян ишбилармонлари юртимизга таклиф қилинганди. Ҳозир бу мамлакат вакиллари билан 20 га яқин қўшма корхона ташкил қилинган. Улар озиқ-овқат, енгил-саноат ва савдо-сотиқ соҳаларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Жаҳон маданиятининг бешиги ҳисобланмиш Италия ҳозирги даврга келиб дунёдаги 7 та ривожланган мамлакатнинг биридир. Италян халқи бетакрор маданияти, санъати, оҳанграбо мусиқаси, бой тарихи, ўзига хос удумлари билангина донг таратган дейиш бирёқлама фикр юритишдир. Унинг айниқса замонавий автомашиналари, сифатли ва бежирим пойабзали, кийимбошлари, мебель ҳамда озиқ-овқатлари ҳар бир юртдошимизнинг хонадонида маълум ва машҳурдир.

Италия Президентининг Ўзбекистонга келиши ва бу ерда олиб борадиган музокаралари мамлакатларимиз ўртасида маданий, иқтисодий, савдо соҳаларидаги алоқаларни янада кенг йўлга қўйишга имкон беради, деб ишонамиз. Куни кеча маданий алоқаларнинг дебочаси ўлароқ Тошкентдаги Давлат санъат музейида Италия рассомлари асарлари кўргазмаси очилди.

Олий мартабали меҳмоннинг сафари давом этмоқда.

Вилоят фаоллари йиғилиши

АНЖУМАНДА ШУНДАЙ МАСАЛА КЎТАРИЛДИ...

ВИЛОЯТ фаолларининг Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк ота» жамоа хўжалигида бўлиб ўтган анжумани вилоятда маънавият ва маърифатни юксалтириш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилган масалаларни муҳокама қилишга бағишланди.

Анжуманни вилоят ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова бошқарди.

Анжуманга вилоят касаба уюшмалари кенгаши, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, хотин-қизлар қўмитаси, маданият бошқармаси, «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари ва бошқа вилоят ташкилотлари фаоллари таклиф этилдилар. Хўш, нима қилсак пойтахт вилоятида маънавият ва маърифат соҳасида янада яхшироқ ўзгаришлар бўлади? Қандай қилсак, тобора фаолияти сустлашиб бораётган маданият уйлари, клуб ва кутубхоналар аҳволини яхшилаймиз? Бу йўлда вилоятнинг турли ташкилотлари ва жамғармалар мутасаддилари бирлаша оладиларми? Айнан ана шу мавзуларда маъруза қилган вилоят касаба уюшмалари қўмитаси раиси Муҳайё Тўлаганова вилоятдаги аҳволни атрофлича таҳлил қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳов, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг муовини Сайёра Хўжаева, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлимининг раҳбари Раҳматилла Шералиев, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Нўъмон Насимов, «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Ёқуб Турсунов, Қуйичирчиқ тумани агрофирмаси бош директори Абдулла Отажонов, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирининг муовини Равшан Юнусов, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раисининг муовини Шермат Ёрматов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Анжуманда кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.
(Анжуман ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг келгуси сонларида берилади).

АХБОРОТ — АТОМДАН КУЧЛИ

Биз — матбуот ходимлари Олий Мажлис саккизинчи сессиясида кечган муҳокамалар жараёнини зўр қизиқиш билан кузатиб бордик. Негаки, ушбу сессияда фаолиятимизнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлайдиган, бизга демократик тузумга хос шарт-шароит кафолатини яратадиган иккита муҳим ҳужжат — «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, аввало журналист одамни мамлакати тақдирига оид ҳеч бир қонуний ҳужжат бепарво қолдирмайди, фикр-мулоҳазага ундайди. Юқорида зикр этилган қонун лойиҳалари муҳокамаси мисолида гувоҳ бўлдикки, жамият ҳам журналистнинг, матбуотнинг аҳволига бефарқ эмас экан.

Дарҳақиқат, сессия мажлисларида, умумхалқ муҳокамаси пайтида бу қонунга не боис шу қадар зўр эътибор қаратилди?

Аввало шуки, матбуот — жамиятнинг кўзгуси, матбуотга берилган эркинлик — жамиятга берилган эркинликдир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, одамларимиз эски тузумга хос иллатлардан ҳали халос бўлолган эмас. Афсуски, халққа берилган эркинликни фақат бир ўзига берилган имконият деб тушунувчи амалдорлар ора-чорада бўлса-да, топилиб туради. Улар ҳар қандай яхши қонун замиридан халққа эркинлик беришни ифода этадиган маънони эмас, балки аксини топишга ҳаракат қилиб келар эди. Ўзининг шахсий манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган бундай зотлар матбуот тарафидан бирор бир танқидга учрагудек бўлсалар, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликка тажовуз қилинмоқда, дея жар солар, бинобарин, юрт тинчлиги ва барқарорлигини ўз моддий манфаатидан иборат бир нарса деб тушунар эдилар. Юқорида таъкидланган қонунларнинг қабул қилиниши худди ана шундай кайфиятда юрган кишиларга, умуман, эскича қарашларга берилган зарба бўлди. Бу қонунлар мамлакатимизнинг демократия сари боражак йўли муқаррар эканини кўрсатди.

Бугунги дунё — ахборот дунёси. Ахборот тарқатиш технологиясини ким пухта эгалласа, ўша ютади. Бир мисол. Россия Чеченистонга нисбатан уруш ҳаракатларини тўхтатгач, дунё ахборот воситалари, Россия армиясини чечен жангарилари эмас, Мавлади Удугов енгди, деган фикрни билдирган эди. Сир эмаски, Мавлади Удугов ўша пайтда Чеченистоннинг Ахборот ва матбуот вазири бўлиб ишларди. Дарҳақиқат, бугунги кунда ахборот атомдан ҳам кучли бўлиб бормоқда. Лекин биз бу кучдан миллий манфаатларимиз йўлида фойдаланмоқни ўрганмоғимиз зарур. Бизнинг халқ ноибларимиз қонунларни тайёрлаш, муҳокама этиш жараёнида масаланинг ана шу жиҳатини ҳам тўғри ҳис этиб, бу муҳим ҳужжатлар моҳиятига сингдирганлари айни муддао бўлди.

МУНОСАБАТ

Табиийки, биз — мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакат фуқаролари демократиянинг расми шу экан-да, деб матбуот, сўз эркинлиги борасидаги Ғарб қонунчилигидан кўр-кўрона нусха кўчиришни ўзимизга эп кўрмаймиз. Бизнинг матбуотимиз ҳам ўзимизга мос — ўзбекона бўлмоғи зарур. Бу хусусда Президентимиз сессияда жуда ўринли гапларни айтдилар.

Четдан келган айрим билимдонлар бизга «ошкоралик» деган нарсани зўр янгилик сифатида тушунтирмоқчи бўладилар. Нима, ўзбек халқи «демократия», «ошкоралик» деган гапларнинг моҳиятига энди етибдими?! Ошкоралик азалдан халқимиз руҳий камолотининг муҳим шарти бўлиб келган. Йўқса, «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», «Аввал ўйла, кейин сўйла» каби мақоллар қайдан пайдо бўлар эди? Ҳар қандай ҳақиқатни ҳам одоб ва андиша билан айтмоқ мумкин — ўзбекона ошкораликнинг мезони ана шу!

Хўш, не боис одоб билан гапирмоқ керак? Бунинг замирида қандай маъно яширин? Ҳақиқатни одобсизлик билан, сурбетларча айтмоқчи бўлган одам, билингки, шу йўл билан нопок мақсадга эришмоқчи, яъни ҳақиқатни воситага айлантирмоқчи бўлади. Ғарб, хусусан, бугунги Россия матбуотида кўпинча ана шу ҳолатни кўрамиз. Ҳақиқатни одоб-андиша билан сўзлаган одамнинг мақсади эса эзгу, у ишга нафи тегсин деб гапиради.

Хуллас, турмушимизнинг барча соҳасида бўлгани каби, ошкоралик, сўз одоби борасида ҳам ўз қадриятларимиз етарли экан. Улар кечагина Олий Мажлис тасдиғидан ўтган қонунлар билан муштарак ҳолда мамлакатимиз ахборот майдонида ўзига хос муҳитни шакллантириб, демократик давлат яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга янгича сифат бахш этиши шубҳасиз.

Муртазо ҚАРШИБОЙ.

Вилоят ҳаёти

ЎН ДЕҲҚОНГА ЎНТА ОТ

ДЕҲҚОН-фермер Аҳмад Абдуқаюмов бундан уч йил аввал Ўртачирчиқ туманининг Навоий номли жамоа хўжалигидан олган 44 гектар ерида шоли, маккажўхори, сабзавот экинлари, ғалла, ерёнғоқ, мева етиштириб келмоқда.

Ўтган вақт ичида у ўзининг 18 кишидан иборат хўжалигини иқтисодий жиҳатдан оёққа қўйди. Ҳисоб рақамига тушган маблағдан КамАЗ машиналари, 2 та тракторли бўлди. Жамоа хўжалигини газлаштиришга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Айни пайтда яроқсиз ҳолга келган чойхонани хусусийлаштирди ва у жойлашган ҳудудда гузар барпо этишга киришди.

Яқинда А. Абдуқаюмов фермер-хўжалигидаги ўн нафар деҳқоннинг ҳар бирига биттадан от олиб берди. Бу билан дала ишлари янада жадаллашди.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

Жамғарилган ем-хашак заҳираси тугай деб қолган баҳорнинг дастлабки кунлариданоқ чорвани тўйимли озуқа билан таъминлаш лозим бўлади. Тошкент вилояти Чиноз туманининг Турсунбой Эрназаров номидаги жамоа хўжалиги деҳқонлари ана шу мақсадда ўтган йили кузда 60 гектар майдонга тажриба тариқасида рапс ўсимлиги уруғини эккан эди. Натижа ёмон бўлмади. Жамоа аъзолари гектар бошига 200-220 центнердан тўйимли озуқа йиғиб олиб, пешма-пеш фермаларга жўнатяпти. Бўшаган ерларга эса маккажўхори экиляпти.

Мутахассислар фикрича, рапс сомон билан аралаштириб қорамолга берилса, чорва маҳсулдорлиги анча ортади. Рапсга арпа, жавдар, буғдой қўшиб экилганда эса озуқа янада тўйимли бўлади. Айни пайтда бу тажрибани вилоят миқёсида қўллаш чора-тадбирлари кўрилаётир.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

ЯНГИЧА ТАФАККУРГА — КЕНГ ЙЎЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мол бўлишини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган минг-минг ўсмирлар иш тополмай, ишга жойлашолмай овора бўлиб юрибди.

Рақамларга мурожаат қилайлик: Республикада жами 5 миллион 200 мингдан ортиқ ўқувчи бор. Шундан 9-синфни битирувчилар 455 минг кишини ташкил этади. Уларнинг 250 мингга яқини 10-синфда ўқишни давом эттиради.

Энди бир тасаввур этайлик: 9-синфни битирганларнинг қолган қисми, яъни 200 мингдан ошиқ боламиз қаерга боради?

Маълумотларга қараганда, 100 мингтаси махсус ўқув юртларида касб ўрганар экан. Қолган 100 мингдан ортиқ ўсмир кўчада қоляпти.

Афсуски, муаммо шу билан чекланмайди. Ҳар йили 11-синфни битираётган ёшларнинг 25 минг нафари, ёки 10 фоизи олий ўқув юртларига киради. Қолган 90 фоиз ихтисосга, малакага эга бўлмаган ёшлар нима билан шуғулланмоқда?

Бундай муаммо Андижондек аҳолиси зич вилоятда айниқса долзарбдир. Чунки, ишсиз қолаётганларнинг камида ўндан бир қисми шу вилоятга тўғри келаяпти.

Бугун биз мана шу масалаларни кўзда тутиб маориф тизимини бутунлай ўзгартириш, замон талабига жавоб берадиган мажбурий умумий 9 йиллик ўрта таълим тизимини, шу билан бирга, ихтиёрий-мажбурий равишда яна уч йиллик ўқув юртларини ҳар қайси туман, шаҳарларда ташкил қилиб, уларда фарзандларимизнинг ўқувини энг замонавий услубда жорий этиб, болаларимизга авваламбор бугунги ҳаёт талаб қиладиган касб бериш, уларни ҳаётга тайёрлаш каби бурчимизни бажариш ҳақида янги қонун ва фармонлар тайёрлаш тўғрисида бош қотирмоқдамиз.

Аҳолини иш билан таъминлашдек кескин муаммони ечиш учун биринчи навбатда кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандликни қўллаб-қувватлаш, мураккаб вазиятлар юзага келганда эса, маҳаллий шарт-шароитни эътиборга олган ҳолда, янги-янги имкониятларни излаб топиш ҳисобига ҳал этиш зарур.

Иккинчидан, аҳоли сонининг ошиб бориши, шубҳасиз, таъминот масаласини кескинлаштириб қўйиши табиийдир. Мен биринчи навбатда озиқ-овқат таъминотидаги муаммоларни назарда тутаяпман. Агар очиғини айтадиган бўлсак, вилоятдаги мавжуд 200 минг гектардан ортиқ унумдор ер билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Шунинг учун **мавжуд ерлардан ишнинг кўзини билиб, андижонча омилкорликни ишлатиб, аҳолининг шахсий томорқаларидан унумли фойдаланиб, йилига икки-уч ҳосил олишнинг кенг имкониятларига йўл очиш зарур.**

Хитойда бир парча ердан бир йилда икки-уч ҳосил олиш деҳқончиликда мўъжиза эмас, оддий ҳодиса ҳисобланади. Томорқанинг бундай миришкорлари Андижонда ҳам кўплигини яхши биламиз. Улар бозорларга файз, хонадонларга барака киритишларига, юртга саховат ва тўкинчилик бағишлашига ишонамиз.

Шахсий томорқани фақатгина тўкинчилик ва даромад манбаи деб тушунмаслик керак. **Фарзандларимизнинг томорқада ишлаши уларда меҳнат малакаси пайдо этиш билан бир қаторда, уларнинг ерга меҳрини, элга, юртга, Ватанга бўлган садоқатини кучайтиради, ҳалол нон топиб ейишга ўргатади ва, табиийки, ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш учун имконият яратади.**

Демак, томорқани ривожлантиришнинг иқтисодий, ижтимоий ва тарбиявий аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам бу масалага қишлоқда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг асосларидан бири деб қараш керак.

Деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳозирги ислоҳотлар даврининг энг долзарб вазифасидир. Бу борада дастлабки ютуқлар бор. Жумладан, Марҳамат туманидаги Тожимирза Нуриевнинг «Шуҳрат», Қўрғонтепа туманидаги Комилжон Содиқовнинг «Аваз» каби кўплаб деҳқон-фермер хўжаликлари ибратли ишлар қилмоқдалар.

Бироқ, **ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай эмас. Уларнинг кўпчилиги тўрачиликка, буйруқбозликка, энг ёмони, таъмагирликка учрамоқда. Айрим раҳбарлар онгида маъмурий буйруқбозлик тизимининг иллатлари ҳамон яшамоқда. Улар ислоҳотларнинг моҳиятини яхши англаб етмаяптилар. Шу сабабли янгилик йўлига тўсиқ бўлмоқдалар.**

Қишлоқда мулкдорлик шакли тўла қарор топгани йўқ. Фуқаролар мулкка эгалик ҳуқуқларидан фойдалана олмаяптилар. Мустақилликнинг олтинчи йилида яшаяпмиз. Бу тарихан қисқа муддат бўлса-да, маълум бир янгилик моҳиятини англаб олиш учун етарли муддат деб ўйлайман.

Энди эскича ишлашга интилиш, эски қолипларни асраш, кечаги кун билан яшаш умидларидан воз кечайлик, эскилик сарқитларидан соқит бўлайлик. Янгиликка, янгича тафаккурга йўл очиб берайлик. Одамларни ҳам шунга даъват этайлик.

Учинчидан, вилоятда бюджет даромад қисмининг йиллик режаси бажарилган бўлсада, бу соҳада мавжуд катта имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти. Жумладан, халқ хўжалигини молиялаштиришга сарфланиши керак бўлган 2,3 миллиард сўм бюджет тўловлари ундириб олинмаган.

Вилоятда ташкилот ва корхоналарнинг ўзаро тўлов интизоми қониқарли ташкил этилмаганлиги туфайли дебиторлик қарзлари 5,3 миллиард сўмга етди, шундан муҳлати ўтган дебиторлик қарзлари эса 36 фоизни ташкил этади.

Ана шу камчиликлар оқибатида вилоятда иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлашда, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларни газлаштириш ва бюджет ҳисобига бунёд этилиши зарур бўлган объектлар қурилишини молиялаштиришда бирмунча қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати жаҳон бозори талаблари даражасига етмаяпти, натижада маҳсулотларни экспорт қилиш даражаси паст. Ҳатто, республика ҳукумати томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Мавжуд қўшма корхоналарнинг фақат 20 тасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, иккита қўшма корхона ўз маҳсулотини экспорт қилаяпти, холос. Булар, қўшма корхоналар тузишда хорижий шерикларнинг молиявий аҳволини, уларнинг халқаро обрўйини ўрганишда ва маркетинг масалаларида кадрларнинг билим ва тажрибалари ҳали етарли эмаслигидан далолат беради.

Етиштирилган ширин-шакар мева ва сабзавотимизнинг юқори сифати тўғрисида кўп гапирамиз. Бироқ, тижоратчиликнинг энг оддий усулларидан ҳам фойдалана олмаяпмиз. Маҳсулотларни кўзни қувонтирадиган, харидорлар диққатини тортадиган шаклда қадоқлаш учун энг замонавий технологияларни йўлга қўя олмаяпмиз.

Кўп марта айтганман, яна такрорлайман: **халқнинг келажагини, ҳеч бўлмаганда ўз корхонаси истиқболини ўйлайдиган раҳбар албатта экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши керак.**

Тўртинчидан, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш кўнгилдагидек эмас. Ҳозирги кунга келиб аҳолининг 62 фоизи марказлашган тартибда ичимлик сув билан, 56 фоизи табиий газ билан таъминланган, холос.

Биламиз, ҳар йили қиш фаслига келиб табиий газ босимининг камайиб кетишидан вилоят аҳолиси норози бўлмоқда. Шуни ҳисобга олиб, **республика ҳукумати Андижон вилояти, қолаверса, Фарғона водийси аҳолисини қиш мавсумида табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Хўжаобод туманида ер ости газ омбори қуришга қарор қилди.**

Бу иншоот нархи, чет мамлакат сармоялари ва ўз харажатларимизни қўшсак, тахминан 100 миллион Америка долларига етади ва, иншоолло, 1998 йилда ишга тушади. Ҳозирги вақтда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Лекин вилоят қишлоқ аҳлининг бир қисми ҳамон тоза ичимлик сув билан таъминланмаганига нима дейиш керак?

Бу диёрнинг меҳнаткаш, фидойи халқини ҳеч бўлмаганда сув билан таъминлашга туманлар ҳокимлари, шу ерда ўтирган мутасадди раҳбарлар ўзларида рағбат сезмаяптилар. Ўйлайманки, вилоят раҳбарияти бундан тегишли хулоса чиқариб олади.

Ҳурматли дўстлар!

Энди бугунги учрашувимизнинг асосий масаласига ўтишга рухсат бергайсиз Андижон ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар тажрибаси вужудга келмоқда. Буни ҳаммамиз тан олмоқдамиз. Очиғини айтишимиз керак: бозор ислоҳотларини, янгиликларни татбиқ этишда, ободонлаштириш ишларида, аҳоли эҳтиёжини қондириш масалаларида, бир сўз билан айтганда, одамлар онгида янги иқлим - меҳнатга янгича муносабат ташкил этишда Андижон раҳбариятининг, шу жумладан, вилоят ҳокими Қобилжон Обидовнинг ҳиссаси катта. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ана шу бой тажрибани оммалаштириш, мамлакатимизнинг бошқа вилоят, туманларида ҳам жорий этиш, амалга ошириш жуда катта аҳамиятга эга эканини кўпчилик яхши тушунади, албатта. Мана шу мақсадларни кўзда тутиб, Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидовни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик лавозимига ўтказиб қўйдик.

Шундан бери, мана, етти ой ўтмоқда. Шу давр мобайнида бу кишининг ташаббуси билан республика миқёсида анча ижобий ва самарали ишлар қилинди.

Ана шу даврда вилоят ҳокими лавозими бўш турди. Биз биламиз: Андижонда иқтидорли, давр талабларига жавоб берадиган, ислоҳотларга қодир кадрлар кўп. Улар ўз қобилиятларини кундалик фаолиятларида кўрсатишмоқда. Биз бундай истеъдодли раҳбар ва ташкилотчилар хизматини юксак қадрлаймиз. Уларнинг юксак фазилатларини амалда кўрсатишда имкон туғдиришга доимо ҳаракат қилганмиз ва бундан кейин ҳам қўлимиздан келганча кўмак берамиз.

Аммо бугун гап бошқача бўляпти. Мана шу нозик масалалар бўйича мен сиз муҳтарам халқ ноиблари билан, сиз орқали бутун Андижон аҳли билан ўртоқлашиб, фикр алмашиб олмоқчиман.

Биринчидан, очиқ айтишим керак, Қобилжон Обидовни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига олаётганда у кишининг бу вазифага ўтишга ҳоҳиши йўқ эди. Лекин мен Қобилжон билан яхши гаплашиб олгандан кейин, бугунги вазият, инсон, раҳбар бурчи ҳақида бўрттириб суҳбатлашиб олгандан кейин бу масала ечилди.

Иккинчидан, мана шу етти ой давомида, бу кишининг фаолиятини кузатиб юриб, бир нарсани чуқур сездим ва шундан хулоса чиқаришга мажбурман — Қобилжон Обидовнинг ўзи Тошкентда-ю, лекин бутун ақли-вужуди мана шу ер, мана шу замин атрофида паришон бўлиб қолмоқда, кўнглида олдинги ишининг ташвишлари, Андижон аҳлининг ғами қолиб кетмоқда.

Республика, мамлакатимиз миқёсида турган вазифалар ўйида бош қотириб ишлаётган пайтларида ҳам иккиланиш, эзилиш ҳолатлари билиниб, ишнинг пировард натижасида сезилиб турибди.

Учинчидан. Албатта, барчамиз яхши тушунамиз: ҳар қайсимизнинг—биз қайси мансабда бўлишимиздан қатъи назар, — ўрнимизни босадиган, балким биздан ҳам яхшироқ ишлайдиган одам топилади. Лекин, бошланган ишларни давом эттириш, пировардига етказишда муносиб раҳбар топиш — жуда мураккаб вазифа.

Мана шу фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олганда, аввало вилоятнинг оғир юкини, унинг икки миллионли аҳолисининг эҳтиёжларини, бу ерда ҳал этилиши керак бўлган масалаларни англаган, тасаввур қилган ҳолда, Қобилжон Обидовни вилоят ҳокими вазифасига қайтариш мақсадга мувофиқ, деган фикр туғилмоқда. **Шу масала бўйича, ҳурматли халқ ноиблари, сизларнинг қарашларингизни билмоқчиман.**

Азиз дўстлар!

Яна бир масала бўйича ўз фикримни—миннатдорлигимни етказмоқчиман. Ўтган даврда сиз, андижонликлар ҳар қандай вазиятда ҳам бир бирларингизга меҳр-оқибатли эканлигингизни намоён қилдингиз. Умумий манфаат йўлида жамият ва халқ равнақи ишида бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб фаол меҳнат қилдингиз.

Вилоятдан ўтган вақт мобайнида бирон бир шикоят, норозилик, ортиқча гап-сўз чиққан эмас. Нима, Андижонда муаммо йўқ дейсизми? Бу ерда ҳамма масалалар ҳал этилганми?

Йўқ, албатта. Барча вилоятлардаги каби Андижонда ҳам ўтиш даврининг қийинчиликлари ўзини кўрсатиб турибди. Бироқ халқ билан раҳбарият бирлашиб, ана шу муаммоларни ҳал этишга интилиб, меҳнат қилишди ва бошқалар учун ибрат-ўрнак кўрсатишди.

Яна бир бор айтаман: Андижон аҳли шижоатли, яратувчан, янгиликка ўч, ўз сўзи ва ориятини барча нарсадан устун қўядиган, юксак маданиятли халқдир. Бу кўҳна замин, бу қадимий халқ кўп нарсага қодир. Андижоннинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида тутган ўрни беқиёс. Унинг кенг имкониятлари, катта ишлаб чиқариш қуввати ва ақлий салоҳияти бор.

Ҳамма гап ана шу имкониятлардан янада унумлироқ фойдаланишда. Сизлар бу вазифани бажаришга қодирсиз, деб ишонаман. Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ватан равнақи йўлидаги ишларингизда янги омад ва муваффақиятлар тилайман.

Эзгу ишларингизда Оллоҳнинг ўзи ёр ва мададкор бўлсин.

Ўтган йилнинг мартида Тошкент вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси билан Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» фирмаси ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги шартнома имзоланган эди.

Ўзбекистон — Жанубий Корея: ҳамкорлик шартномаси — амалда

ЖАҲОН БИЛАН ГАПЛАШАСИЗ

Унга кўра ўз хизматини ўтаб бўлган кўҳна автомат станцияларни фирманинг ДТС-3100, ДТС-1100 маркали рақамли замонавий станциялари билан алмаштириш юзасидан Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Янгийўл, Паркент, Оққўрғон туманларида изчил иш олиб борилди.

Бу ҳудудлардаги янги станциялар 45 минг рақамли бўлиб, ўзгача хусусиятга эга. Улар буюрган вақтингизда сизни уйғотиб қўйиши, сўзингизни ёзиб олиши, болаларга эртак айтиб бериши, ёқимли мусиқа ҳадя этиши, истаганда дунёнинг хоҳлаган мамлакатига қўнғироқ қилишингизни таъминлаши ҳамда бошқа ўнлаб жиҳатлари билан мушкулингизни осонлаштириши мумкин.

Шу йил 29 апрель куни ўн минг рақамли бундай станциялардан бири Олмалиқ шаҳрида очилди.

Вилоятимиз электр алоқа тармоғида катта воқеа ҳисобланган бу тантанани вилоят ҳокими Эркин Рўзиев очди.

Ҳоким мазкур рақамли станциялари фойдаланишга топшириш тармоқдаги ислоҳотларнинг давоми эканлигини, улар шаҳар аҳлига, шубҳасиз, катта қулайлик яратажаклигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у станцияни бунёд этишда фаоллик кўрсатган жанубий кореялик мутахассисларга, республика Алоқа вазирлигига, вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси ходимларига чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

Тантанада сўзга чиққан Тошкент вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муҳаммаджон Содиқов, Жанубий Кореянинг республикамиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Чой Енг Ха, «Ўзбектелеком» концерни раиси Тоҳир Бекметов ва бошқалар қурувчиларни самимий қутладилар. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида қайд этдилар.

Тантанада рақамли станциялар ўрнатилаётган шаҳар ва туманлар ҳокимлари, Республика Алоқа вазирлиги корхоналари вакиллари, мутахассислар, вилоят шаҳар ва туманлари электр алоқа тармоғи бошлиқлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Саидвали ҲАСАНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Суратларда: янги станция очилиш тантаналаридан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Пскент тумани ҳокимлиги ва Оҳангарон туман ҳокимлиги билан биргаликда КИМ ОШДИ савдосини ўтказади. КИМ ОШДИ савдосига қуйидаги ҳудудлардан ер майдонлари қўйилган.

ПСКЕНТ ТУМАНИДАГИ ЕР МАЙДОНЛАРИ

№	Ер майдони жойлашган ҳудуд	Ер майдонлари сони	Ҳар бир ер майдони ўлчами (м.кв.)	Ҳар бир майдоннинг бошланғич баҳоси (сўм)
1.	Мингтепа	6	600,0	14400,0
2.	Мингтепа	6	400,0	9600,0
3.	Дўнгқўрғон	4	600,0	14400,0
4.	Дўнгқўрғон	4	400,0	14400,0

Ким ошди савдоси Пскент тумани ҳокимлиги биносида 1997 йил 28 май куни соат 11.00да ўтказилади.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИДАГИ ЕР МАЙДОНЛАРИ

№	Ер майдони жойлашган ҳудуд	Ер майдонлари сони	Ҳар бир ер майдони ўлчами (м.кв.)	Ҳар бир майдоннинг бошланғич баҳоси (сўм)
1.	Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалиги, Озодлик ёрдамчи хўжалиги, Нўғойқўрғон шаҳарчаси 1—8 сонли ер майдонлари	8	600.0	21600.0
2.	Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалиги, Озодлик ёрдамчи хўжалиги, Нўғойқўрғон шаҳарчаси 1—8 сонли ер майдонлари	8	400.0	14400.0
3.	Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалиги, Озодлик ёрдамчи хўжалиги, Мунчоқтепа шаҳарчаси 1—28 ер майдонлари	26	600.0	17280.0
4.	Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалиги, Озодлик ёрдамчи хўжалиги, Мунчоқтепа шаҳарчаси 1—26 ер майдонлари	26	400.0	11520.0
	ЖАМИ:	68	34000.0	1036800.0

Ким ошди савдоси Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги биносида 1997 йил 14 майда соат 11.00да ўтказилади.

БАЙРАМ КУНЛАРИ ЯҚИН

XII—Тошкент халқаро кинофестивалида иштирок этиш учун дунёнинг 53 давлати ҳамда 6 та халқаро ташкилотига таклифномалар юборилган эди. Шу кунгача 38 та мамлакат киночилари бу анжуманда қатнашиш истагини билдиришди.

Жаҳон киносининг энг машҳур юлдузлари Арнелло Мутти, Микели Плачидо (Италия), Каришма Капур, Шоҳруҳхон, Митхун Чакраборти (Ҳиндистон), Нодим (Покистон), Айхон Шахин (Бирлашган Араб Амирликлари), Бабита (Бангладеш), Евгений Матвеев, Сергей Соловьев (Россия) кабилар ҳам Тошкентга ташриф буюришади.

Кинофестивалда жюри ҳайъати раиси машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов бошчилигида Минеко Акамото (Япония), Пьер Анри Сальфати (Франция), Се Фей (Хитой), Меҳмед Тангриев (Туркия), Владимир Меньшов (Россия), Гулчеҳра Жамилова (Ўзбекистон) кабилардан иборат ҳайъат аъзолари тақдим этилган фильмларни баҳолашади.

Кинофестивалга тавсия этилган фильмлар Тошкент шаҳридаги «Киночилар уйи»да, Алишер Навоий номидаги санъат саройида, «Ватан» «Дўстлик», «Нукус», «Қозоғистон», «Гагарин» кинотеатрларида намойиш этилади.

30 апрель куни бўлиб ўтган матбуот йиғилишида юқоридаги масалалар ҳақида гапирилди. «Ўзбеккино» Давлат ҳиссадорлик компанияси раиси, XII—ТХКФ Бош директори Темур Малик Юнусов ва «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарининг Бош муҳаррири, XII—ТХКФ матбуот маркази раҳбари Аббосхон Усмонов журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

СПОРТГА ОШНО БЎЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

«ҲАВАС» АНЪАНАВИЙ ТУРНИРИ БОШЛАНИШИГА УЧ КУН ҚОЛДИ.

ПОЙТАХТДАГИ «ДИНАМО» ўйингоҳи катта теннис бўйича анъанавий турнир иштирокчиларини кутиб олишга шай! Бу ерда 6 майда республика раҳбар ходимлари, вазирлар, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари уч кун давомида чаққонлик ва кучлилик бобида ўзаро баҳслашадилар.

«ҲАВАС» кубоги матбуот марказининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Матбуот маркази бошлиғи — «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Азим Суюн, матбуот маркази бошлиғи ўринбосари, «Спорт» газетаси бош муҳаррири Ҳайдар Аббаровлар турнирни ёритиш ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

«Халқ сўзи», «Народное слово», «Ўзбекистон овози», «Правда Востока», «Туркистон», «Ишонч», «Адолат», «Тошкент оқшоми» «Вечерний Ташкент» ва бошқа газеталар қатори «Тошкент ҳақиқати» ҳам энг иқтидорли ўйинчилар учун ўз совринларини таъсис этганликларини билдиришди. Шунингдек, турнир қатнашчиларини Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, вазирликлар, Ўзбекистон телерадио компанияси ҳамда бир қатор ҳомийларнинг мукофотлари ҳам кутмоқда.

Мазкур мусобақада вилоятимиздан Эркин Рўзиев, Юрий Беланов, Александр Расулов ва Акбарали Йўлчиев иштирок этадилар. Спортга, хусусан, теннисга шайдолар тобора ортиб бормоқда. Унга ошно бўлганлар эса сира ютқазмайди.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

◆ 28 АПРЕЛЬ куни Олмония пойтахти Боннда Ўзбекистон маданияти кунлари бошланди. У тўрт кун давом этди. «Амир Темур ва унинг тарихдаги роли», «Ўзбекистон фани тараққиётининг янги йўллари» мавзуларидаги маърузалар, ҳамюрт санъаткорларимизнинг чиқишлари, турли бошқа учрашувлар, суҳбатлар, мулоқотлар кенг жамоатчилик эътиборини тортди.

◆ ТОШКЕНТДА Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Мудофаа вазирлари кенгаши мажлиси бўлди. Унда сентябрь ойида Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудларида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» доирасида «Центразбат-97» махсус ҳарбий машқлари ўтказишга келишиб олинди.

◆ ДИПЛОМАТИК йўналишлар орқали нозталар алмашинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси билан Сингапур Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

◆ РОССИЯ Федерацияси бош вазири В. Черномирдин Словакияга ташриф буюрди. Икки томонлама ўн олти ҳужжатга имзо чекилди.

◆ ЛЮКСЕМБУРГДА Овруپо Иттифоқига аъзо мамлакатлар адлия вазирларининг ушбу жиноятчиликка қарши курашга бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

◆ ЛАТВИЯ президенти Г. Ульманис Польшага сафар қилди.

◆ ПОКИСТОН президенти Ф. А. Легхарий расмий сафар билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

◆ ТОЖИКИСТОН президенти И.Раҳмоновга суиқасд уюштирилди. У оёғидан енгил жароҳатланди.

◆ ДЕМОКРАТИК Кучлар Иттифоқи (ДКИ) раҳнамоси Иван Костов Болгария бош вазирлиги лавозимига тавсия этилди.

◆ ИРОҚ халқи ўз «доҳий»лари Саддам Ҳусайн туғилган куннинг 60 йиллигини кенг нишонлади.

Бизнинг шарҳ

«КЎЗГА КЎРИНМАС АЖАЛ» ТАЪҚИҚЛАНДИ

...Сирли сониялар!.. Дафъатан юзлаб, минглаб одамлар азоб-уқубатга учрайдилар. Бўғиладилар. Маҳв бўладилар... Ёрдам беришга фурсат йўқ, илож йўқ... Гувоҳларнинг таассуротлари ана шундай.

Тирик мавжудотни, шу жумладан, инсонларни ялпи қиришга мўлжалланган «восита»лардан биринг номи — кимёвий қуролдир. У илм-фан кашфиётининг энг манфур «ютуғи». Сўнгги йилларгаги минтақавий урушларда, террорчилик ҳуружларида бу «кўзга кўринмас ажал»га йўлиққанлар дарҳол ҳаётдан кўз юмдилар, омон қолганлар эса ҳамон азоб чекмоқдалар.

Ўтган сешанба куни жаҳон бўйлаб тарихий воқеа содир бўлди. 164 мамлакат маъқуллаган, 70 дан зиёд давлат ратификация қилган «Кимёвий қуролларни таъқиқлаш тўғрисидаги Конвенция» кучга кирди. Бу тадбирни жаҳон оммаси мамнунлик билан қутиб олди. Энди ликда мазкур қуролни яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш ва тарқатиш бутун дунё бўйлаб қатъиян ман этилади.

Аммо, бундай оламшумул ҳужжатни маъқуллаш осон кўчмади. Бу жараён 1993 йилнинг августида бошланган эса-да, айрим давлатларнинг «розилик бериши» енгил бўлмади. Ҳатто, Америка Қўшма Штатларидай энг қудратли мамлакатда ҳам бу қуролни таъқиқлашга қарши чиққан одамлар топилди. АҚШнинг собиқ мудофаа вазирлари — Ж. Шлезингер, Д. Рамсфельд, К. Уайнбергер, Д. Чейнилар Сенатнинг халқаро муносабатлар қўмитаси мажлисида сўзга чиқиб, ушбу шартнома Американинг миллий хавфсизлик манфаатларига жавоб бермайди, деб сенаторларни ишонтирмоқчи бўлдилар. Лекин, президент Б. Клинтон, давлат котиби М. Олбрайт, қўмита раиси Ж. Хелмс ва бошқаларнинг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли бу ҳужжат кучга кириш арафасида маъқулланди.

Бироқ, кимёвий қуролнинг энг катта заҳираларига эга бўлган Россия бу аҳдномани ҳамон имзолаганича йўқ. Россия Федерациясининг бундай ҳатти-ҳаракати бошқа давлатларнинг «ёқа ушлаши»га сабаб бўлди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг шарҳчилари Россиянинг бундай қилмишини «унинг халқаро обрўйига улкан зарар етказди» деб баҳолядилар. БМТ, Овруپо Иттифоқи, Овруپода Ҳамкорлик ва Хавфсизлик Ташкилоти, НАТО сингари нуфузли халқаро маҳкамаларда ҳам Россиянинг «позиция»си катта таассуф уйғотди.

МАШМАША МАВЛУДДА БОШЛАНГАН ЭДИ

ҲА, БУТУН тўполон ўтган йилнинг 17 декабрида – Япония императори Акахитонинг таваллуд топган куни бошланган эди. Ўшанда Японияннинг Перу пойтахти – Лимадаги элчихонаси катта қабул уюштириш ниятида жуда кўплаб меҳмонларни ўз қароргоҳига таклиф этди. Улар орасида қатор элчилар, дипломатлар, сиёсий ва давлат арбоблари, бизнесменлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари бор эди.

Маросим очилишига саноқли дақиқалар қолганда элчихонага қўққисдан ҳужум бошланди. Юзларига қора ниқоб тутиб олган, қуролланган кимсалар кутилмаганда ичкарига бостириб кирдилар ва йиғилганларнинг гаровга олинганликларини эълон қилдилар. Ҳамма ҳайрон!.. Бу машъум хабар бир зумда бутун жаҳон бўйлаб таралди.

Эртаси куни вазият бир қадар ойдинлашди. Босқинчилар Тупак Омару номидаги инқилобий ҳаракатнинг аъзолари эканлиги маълум бўлди. Улар мамлакат хибсхоналарида ётган ўзларининг 500 га яқин тарафдорларини озод этишни асосий шарт қилиб қўйдилар. Акс ҳолда гаровга олинганлар – 300 дан зиёд киши ўлдирилади, деб дўқ-пўписа қилдилар.

Элчихона дарҳол Перу ҳавфсизлик кучлари, полициячилар томонидан қуршалди. Президент А. Фухимори мамлакат бўйлаб сафарини «узди» ва тўс-тўполон жойига етиб келди. Икки ўртада «музокаралар» бошланди. Лекин, ўшанда бу «савдолар»нинг ғоят узоққа чўзилишини ҳеч ким кутмаган бўлса керак. Воқеанинг тадрижий ривожи қуйидагича бўлди:

Бир неча кундан сўнг аввал 4 нафар элчи, кейин 38 киши, бориб-бориб яна 225 одам озод этилди. Бу орада Уругвай, Гондурас, Аргентина каби давлатлар террорчиларга ён боса бошладилар ва уларнинг шерикларини эркинликка чиқардилар. А. Фухимори эса айтганида – «таслим бўласизлар» деб туриб олди. Япония бош вазири Рютаро Хошимото унинг ҳаракатини маъқуллади.

26 январга келиб, асирликда 72 киши қолди. Энди ҳеч ким бўшатилмайди, дейди босқинчилар бошлиғи Ролли Рохас. Ўртада яна «алоқа» ўрнатилди. Унга президент А. Фухимори, ТАИХ раҳбари Нестор Серпалар қўшилдилар. А. Фухимори Кубага борди. Ф. Кастродан воситачи бўлишни илтимос қилди. 1 март куни Ф. Кастро Куба «инқилобчилар»ни ўз ҳудудида қабул қилиш ва сиёсий бошпана беришга рози, деб айтди. Аммо, 6 мартда Н. Серпа мулоқотларни тўхтатди ва «Биз ўз талабимиздан қайтмаймиз» деб эълон қилди. Ўша кунлари хунук воқеанинг олдини ололмаган Перу ички ишлар вазири, Лима полицияси маҳкамаси бошлиқлари истеъфога чиқдилар.

Ҳамма нарсанинг интиҳоси бор. 22 апрель куни Перу ҳавфсизлик хизмати кучлари махсус тайёргарликдан сўнг босқинчиларнинг «хотиржамлиги»дан фойдаланиб, бехосдан бинога ҳужум бошладилар... Отишмалар тўрт соат давом этди. 14 нафар террорчи қириб ташланди. Гаровдагилардан бир киши ҳалок бўлди. Қолганлар озодликка чиқдилар. 126 кун давом этган «дўзах азоби» шу тариқа ниҳоясига етди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

◆ ЛИТВА пойтахтидаги дорилфунун касалхонасида антиқа операция ўтказилди. Хаста Н. га зудлик билан донор бўйраги зарур бўлиб қолди. У тезликда топилмади. Операция столига унинг рафиқаси ётди ва бажонудил битта бўйрагини эрига «ҳадя» этди. Бемор ўзини ҳозир яхши ҳис қилмоқда.

◆ ОЗАРБАЙЖОННИНГ Сумгаит шаҳрига меҳмонга келган Михаил Д.нинг пули қолмади. У яқиндаги кафе кассасини ўмаришга қарор қилди. Қоронғу тушгач, у тош билан кўшк ойнасини уриб синдирди. Ичкарига кира бошлади. Лекин... ойна қирралари уни кўп еридан жароҳатлаган экан. Ҳаром пул ишқибози қонсираб, ўша жойнинг ўзида жон берди.

◆ СВЕРДЛОВСК вилоятининг Слобода қишлоғида истиқомат қилувчи бир оила ўзининг тўрт яшар Даря исмли қизалоқларини юз минг рублга сотиб юбордилар. «Тирик мол» сотиб олган лўлилар шу куниёқ ғойиб бўлдилар. Бу иш юзасидан бўлган суд ота-онани саккиз йиллик қамоққа ҳукм қилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Кўнгил қолма муҳаббатдан». Фильм-концерт.
9.00 «Замин фидойилари». Телеочерк.
9.20 «Писмиқ». Болалар учун фильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Илм — ўзликни билмақдир».
10.30 «Шеърият — эзгу эҳромим». Шоир Султон Расулий.
10.50 Н. Ҳабибуллаев. «Фотиманинг саргузашти». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.30 «Хазинамиз таянчи». Публицистик кўрсатув.
12.00 «Соқов ва муҳаббат». Бадиий фильм.
13.40 «Хўжа Насриддин». Мультфильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Диёр». Тележурнал.
19.05 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқ кўрик-танлови.
21.25 «Сиёсат оламида».
21.50 «Бу оқшом...»
22.10 «Ёзув столидан репортаж».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Кичик мамлакат».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.25 «Компьютер-Осиё»..
22.40 «Спорт қитъаси».
23.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
24.00—00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Кругозор». Тележурнал.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Қонли тош». Бадиий фильм (АҚШ).
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қўқонлик уста». Телефильм.
23.15—23.20 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби» Телесериал.
19.35 «Дидар».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
20.35 «Тасвир».
20.40 «Авторейд».
20.50 «Сўз — сизга».
21.05 «Кимга қанақа?».
21.35 «Спорт-тайм».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.20 «Ҳар соҳадан бир шингил».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зориқиб кутилган кун».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 ЎзТВ хазинасидан. Т. Тўла, Ф. Олимов, «Нодирабегим». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.15 «Изланиш самаралари». Публицистик кўрсатув.
13.35 «Бахтим, сени қуйлайман». Фильм-концерт.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.30 «Сиздан угина, биздан бугина». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кўнгироқча».
18.30 «Спорт, спорт, спорт».
18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Альманах-ТВ».
21.55 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Сиз ёлғиз эмассиз». Бадиий фильм (Туркия).
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Нафис мажлислар».
19.15 Мусиқий шарҳ.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.15 «Авлодимиз».
23.30 «Акс».
23.50 «ТВ плюс...»
00.05 — 00.15 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Бўёқлар жилоси». Телефильм.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 11-серия.
22.45 «Опера шинавандаларига».
23.15—23.20 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.20 Эълонлар.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Америкага бир назар».
20.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.00 «Дорихона эшитади...»
21.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.25—23.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Альманах-ТВ».
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нафосатга бахшида умр».
9.20 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
9.40 «Истиқболга интилиб». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Ассалом, япон тили!».
11.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.40 «Қизиқарли учрашувлар». Абдусаттор Эшонқулов.
*
12.10 «Футбол майдонларида».
12.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.55 ЎзТВ хазинасидан. Т. Тўла, Ф. Олимов, «Нодирабегим». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.30 «Бўрондаги олишув». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатни асрайлик». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.25 «Гул кўп, чаман кўп».
18.45 «Таниш ва номаълум».
19.05 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Бухорои шариф». 1-кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эъзоздаги қўшиқлар».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Мавзу».
22.00 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.15 «Сир».
22.25 «Автоолам»
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.10 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. Ҳайъат раиси Чингиз Айтматов билан суҳбат.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
23.00 «Зерикмай десангиз».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15—00.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 12-серия.
22.40 «Прелюдия». Телефильм.
23.00—23.05 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Безнен мирас».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Азизим».
20.30 «Таклифлар ва ташрифлар».
21.00 «Дунё ва болалар».
21.20 «Нафосат гулшани».
21.55 Эълонлар
22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.50 «Экстремал ўйинлар».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Танбур».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Жаннат — оналар оёғин остидадур». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Умид учқунлари».
11.55 Хиванинг 2500 йиллигига. «Хайрли нигоҳ». Хоразм телевидениесининг кўрсатуви.
12.10 «Юрт ҳақида куйлайман». Фильм-концерт.
12.40 «12 ой». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
13.40 «Қишлоқ стадионларида».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
18.25 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
18.40 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.05 «Омонлик тилаймиз».
19.15 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Инсон манфаатлари йўли».
21.20 «Эъзоз». Ғалаба кунига бағишланган бадиий-публицистик кўрсатув.
22.20 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Самраат». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Самраат». Бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).
01.00 — 01.10 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Кичик мамлакат».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.25 «Нафис мажлислар».
10.40 «Авлодимиз».
10.55 «Акс».
11.15 «ТВ плюс...».
11.30 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
11.40 «Зерикмай десангиз».
11.50 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
12.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.00 — 14.30 «Кинонигоҳ».
***
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 «Ором онлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар».
21.00 «7 дан 70 гача».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 Кундалик.
21.55 «Спорт қитъаси».
22.25 «Сеҳргар». Кўрсатув ва Эълонлар.
22.45 «Кинонигоҳ».
00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун».
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тугатишга киришилсин». Телевизион бадиий фильм.
1 ва 2-сериялар.
00.15—00.20 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 Жаҳон Қизил Ҳоч ва Қизил Яримой кунига. «Панорама».
19.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.10 «02» тўлқинида.
20.25 «Интер-спорт».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Эльдорадо». Телесериал.
21.10 «Бугунги Бангладеш».
21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.00 «Коктейль плюс».
22.30 «Эллада».
23.00 «Компьютер-ревю».
23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳофизлар куйлаганда...»
9.00 «Юзма-юз».
9.20 ЎзТВ хазинасидан. Ўлмас Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Пўлат тулпорлар». Публицистик кўрсатув.
10.30 «Санъат гунчалари».
10.55 ЎзТВ хазинасидан. Ўлмас Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма-театрининг спектакли. 2-қисм.
11.55 «Жонсарак». Мультфильм.
12.05 «Мардлар қўриқлайди Ватанни». Мусиқий дастур.
12.40 «Солдат отаси». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.40 О. Эргаш. «Шукрона». Теленовелла.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Соғлом авлод учун!»
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Синфдош».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Уйғоқ хотира». Ғалаба кунига бағишланади.
21.20 «Ривоят».
21.30 «Йигит омон бўлса...»
21.45 «Эртага — шанба».
22.05 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ринг».
00.10 Тунги тароналар.
00.30 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўзмунчоқ».
9.40 «Қулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.55 «Дубляж».
10.10 «Жозиба».
10.25 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.50 Видео — «О».
12.20 — 12.50 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «Авлодимиз».
18.55 «Бир қўлингда қиличинг бўлсин!».
19.05 «Ғалаба нашидаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.55 «Ғалаба нашидаси».
23.15 «Ханда дўкони». «Ватанга совға».
24.00 — 00.10 «Даракчи».

III

16.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
6.30—8.00, 16.15 — 21.50 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.50 Эълонлар.
21.55 «Виждон олдида». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
*
23.15—23.45 Россия давлат телевидениеси.
*
23.45—23.55 «Тошкент фавворалари». Телефильм.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Маънавият ва Ислом».
20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Баҳорги вернисаж».
21.45 «Монитор—Осиё».
22.05 «Олам ва одам».
22.30 «Сахий хонадонда».
23.00 Араб эстрадаси.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қўшиғимда яшар муҳаббат».
8.55 «Қуённинг кўз ёшлари», «Қора қуён». Мультфильмлар.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шохрух» клуби».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.30 «Менга сўз беринг!»
11.10 «Ёш куч». Тележурнал.
11.30 «Нуроний».
*
11.55 «Хабарнома».
12.05 «Цирк! Цирк! Цирк!».
12.35 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
13.50 — 14.50 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ранглар жилоси».
18.50 «Умид»нинг умидлари.
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Рақслар гулдастаси.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Азиз симолар». Сойиб Ҳўжаев.
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 32-қисм.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.35 «Куй ва тасвир».
22.50 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Оқ қўйлак». Бадиий фильм (Миср).

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...».
9.20 «Авлодимиз».
9.40 «Бир қўлингда қиличинг бўлсин!»
9.50 «Ғалаба нашидаси».
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ханда дўкони». «Ватанга совға».
11.25 «Кинонигоҳ».
13.05 — 13.35 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Боланинг тили».
18.55 «Қулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.10 «Жозиба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Чарли Шин «Иш юзасидаги эркак» детектив комедиясида.
23.50 — 24.00 «Даракчи».

III

16.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.50 «Алладин — ўғрилар қироли». Мультфильм.
*
18.20—20.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
22.20—22.40 «Халқ қалбида», «Хотира». Телефильмлар.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Тунги гўзаллар». Бадиий фильм.
10.40 Эълонлар.
10.45 «Спектаклдан сўнг».
11.10 Шанба эртаги.
12.10 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.55 — 13.15 Корейс тилини ўрганамиз.
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Шанба оқшомида».
19.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «Эсдалик учун дастхат».
20.30 «5 дақиқа ўзинг учун».
20.40 «Рақслар канотида».
21.10 Эълонлар.
21.15 Кинонинг олтин асри. «Мелодрама». Бадиий фильм (Франция).
22.55 «Бу ажиб дунё».
23.15 «Оқшом учрашувлари».
23.45 «Хит-коллекция».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.20 «Катта танаффус».
9.40 Мультолам.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Бир ўлка-ки...»
11.25 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 32-қисм.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 «Ишингиз бароридан келсин».
13.20 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 8-серия.
14.15 «Келгуси ҳафтада».
14.30 «Соғинч».
14.40 «Сўнгги пушаймон». Бадиий фильм.
15.55 «Мусиқа салтанати».
16.15 «Ўзбекистон спорти».
16.30 — 16.40 «Тақвим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
18.15 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 9-серия.
19.05 «Пойинтар-сойинтар».
19.15 «Тухфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Илҳом сатрлари».
20.05 «Эгиз қушиқлар».

АВВАЛО ОНА ЎЗЛИГИН АНГЛАСИН!

КЎНГИЛНИНГ кўчасига эрк берибди, деб ўйламанг: ўрис аёлларига жуда-жуда ҳавас қилишим рост.

Ҳавасимни келтирган нарса шулки, айнан ўрис гўзалига ошиқ бўлган йигит ўзбекми, қозоқми, ҳабашми, бошқами, барибир, аввало унга ўрис тилида муомала қилишга «мажбур». Наинки эри, бошқа қариндошлари ҳам ҳурматли келинга унинг тилида муомала қилиш одатга айланган. Қишлоғимизда Оллоберди деган киши бор. Ўттиз йилча бурун Русияда хизмат қилиб, қайтишида Надия исмли қизга уйланиб келган. Ҳозиргача ҳамқишлоқлар Оллоберди акага қўшилиб ўрис келинга ўрисча муомала қиламиз. Надия кеннойи шунча йил яшаб ҳам ўзбекча ўрганмади, ўрганган бўлсаям гапирмайди. У ўз она тилисини мудом эъзозлайди.

Ўрис аёлларининг боласи, отаси қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар аслида русийзабон бўлиб тили чиқади. Миллатпарварлик болага она кўксидан, она сутидан ўтади, деганлари ҳақ.

Миллатнинг, миллий туйғуларнинг булоғи — аёл, миллий тилнинг, дилнинг чашмаси — онадир. Инсон ҳаётининг илк ибтидоси бўлмиш оналарга табиат ана шундай «вазифа»ларни ҳам юклаб қўйгандек... Шуни жуда яхши англаб етган бўлсалар керакки, бир асрдан ортиқ давр мобайнида бизга юртдош бўлиб кетишган ўрис халқи ўз она тилларига чексиз садоқат, ҳурмат ила қарайдилар. Уларга қўшилиб биз ҳам «родной язик»ни ўзимизнинг тилимиздан устун қўйиворамиз, баъзида...

Тилини мустаҳкам сақлаб келаётган, миллат туйғусини фарзандлар қалбига жо этиш, она тилисини ўргатиш, миллий урф-одатларини, қадриятларини тушунтириш, ҳатто, кийиниш маданиятигача ўрнак кўрсатиш борасида ҳам ўрис аёлларидан ибрат олса арзийди.

Миллатига содиқ, тилига собит ўрис аёлларига қанчалик ҳавас қилсам, ўзимизнинг баъзи ўзбек аёлларидан, навниҳол қизларимиздан шунчалик хафа бўлиб кетаман. Негаки, юқорида айтган тушунчам: «ўрис аёлларидан ибрат олса арзийди» деган гапни улар ўзгача талқин этадилар, наздимда...

Ибрат олиш — унинг нусхасига айланиб қолиш эмаску!

Тараққиёт бобида ўрислар ҳам кимлардандир ибрат олар, бироқ, улар ҳеч вақт ўзликларидан кечмайдилар. Биз-чи?

Гина қилсак-қилмасак, шўро даврида айрим аёлларимиз, қизларимиз осонгина «ўрислашди». Тилидан тортиб, дилигача, либосларидан тортиб юриш-туришларигача ўрис дугоналарига тақлидни «қойил»латдилар. Бу борада йигитларимиз ҳам ўрис жўраларини лол қолдирганларига гувоҳмиз. Фақат, ҳозир гап — миллатнинг Онаси — аёлларимиз ҳақида кетяпти...

Шўро даврида ўрис тилини қонунлаштирувчи ҳеч қанақа расмий ҳужжат эълон қилинганини эслай олмайман. Бироқ, айримлар ўз-ўзидан ўрислашиб кетаверарди. Давлат идорасига амаллаб ишга кирган ўзбеклар ҳам амалда «русийзабон»га айланиб қолаверарди. Ўзбек тили борган сари ижтимоий ҳаётдан сиқиб чиқарилаверарди.

Яратган Тангримизнинг иноятини қарангки, бундан саккиз йилча муқаддам Ўзбекистон Республикасида ўзбек тили-давлат тили, деб эълон қилинди. «Давлат тили ҳақида» қонун қабул этилди. Ўзбек тилидан мутлақо бехабар бандалар муфассал ўрганиб олишлари, бу давр мобайнида давлат идораларида иш юритиш юз фоиз давлат тилига ўтилиши учун узоғи билан саккиз йил муддат етарли деб белгиланди. Ўшанда, нақадар узун муҳлат бўлиб кўринган саккиз йил ҳам ўтди-кетди. Хўш, эндиликда аҳвол қандай?

Вилоят ҳокимлигининг тоширигига биноан яқинда Янгийўл, Оққўрғон, Пискент, Ангрен, Янгиобод ва бошқа туману шаҳарларни айланиб чиқдик. Мақсад: мамлакатимизнинг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни жойларда қай даражада амалга ошмоқда, нималарга эришилди ва яна қандай муаммолар борлигини ўрганиш эди.

Тан олиш керак, бу борада анча-мунча ишлар амалга оширилган. Аста-секинлик билан бўлса-да, Она тилимиз расмий доираларда, идораларда ҳам қад ростламоқда. Хуллас, бу борадаги ютуқларимиз ўзимизники.

Айтсанг тилинг, айтмасанг

Дилдаги гаплар

дилинг куядиган гаплар ҳам кам эмас. Кўпгина идораларга давлат тилида тайёрланган иш қоғозлари (шартномалар, битимлар, кўрсатмалар, молия, ҳисоб-китобга оид ҳужжатлар) ўзбекча босма ёзувларда етиб боргани қувончли ҳол. Бироқ, ўша ҳужжатлар яна кўр-кўрона ўрис тилида «тўлғазилмоқда». Масалан, иш қоғозида: «Маҳсулот тури:————» деган жойга ходималар чиройли хуснихатлари ила «яблоко» деб ёзишаётир...

Алам билан бир ходиманинг юзига тикилдим. Олмадек қип-қизил ўзбек қизи. Исми-шарифини суриштирдим. Олмахон Шириноваман, деб таништирди ўзини.

— Ўзингиз ўзбек, қўлингиздаги иш қоғози ўзбек тилида бўлса, нечун ўрисчалаб ёзаяпсиз? — Сўрадим ундан.

— Биринчидан, ҳеч ким ўзбекча ёз, деб буюргани йўқ, — дейди заррача истиҳола қилмай Олмахон Ширинова. — Иккинчидан, ўрганиш бўп кетган. Учинчидан, олма деб ёздик нима-ю, яблоко дедик нима? Икковиям бир нарса эмасми?..

Ана сизга мантиқ!

Демак, шунақа қизларнинг исми-шарифини Яблокохон Сахарова деб ёзсанг ҳам бўлаверар экан-да?

Олмахон каби кўплаб ўзбек қизларимиз савдо дўконларида ҳам фаолият кўрсатишаётганидан хурсандмиз, албатта. Бир дўконда нархномаларни кўздан кечирдик. Босмахонада тайёрланган нархнома ёрлиғида шундай ёзувга кўзимиз тушди: «Женская рубашка. 450 сўм 70 тийин».

— Ана, нархини ўзбекча ёзганмизу, — деди уялмай-нетмай сотувчи аёл. — Шунисигаям шукр қилсайлар-чи...

— Барака топгур, биринчидан, нархини эмас, фақат рақамини ёзибсиз. Яхшиям, сон-рақамнинг ўзбекча-ўрисча ёзилиш тартиби йўқ. Сўм, тийин деган ёзув босмахонада тайёрланиб келинибди. Униям рубл деб ўзгартирсангиз, бу мамлакатнинг эмас — ўзга юртнинг пулига айланиб қоларди...

Савдогар аёл жимгина лабини бурди.

Ҳисоб-китоб, пул муомаласи билан шуғулланадиган ташкилотларда аҳвол бундан ҳам баттар. Барча бохабар бўлса керак: банклардаги ҳисоб рақамлари ўзгарди. Чамаси, мустақил давлатимизда ҳисоб-китоб юритилишида қулайроқ йўлга ўтилди. Бу ҳам банк тизимида ўзига хос янгиланиш бўлди. Эндиликда банкдаги олди-бердилар, айланма ҳаракатлар бошқачароқ иш қоғозларда юритилса, қайд этилса керак, деб ўйлагандик. Йўқ, «Платежная поручения»ларнинг шакли ўзгаргани билан Тили ўша-ўшалигича қолаверди. Банклар яна ўрис тилида иш қоғозлари тайёрлаб беришларини сўраб босмахоналарга «заказ» бердилар. Матбаа ходимлари қулоқ қоқмай ижро этишди. На униси, на буниси «Давлат тилида тайёрласак-чи?» деган савол ҳақида бош қотирмади. Ваҳоланки, бугунги кунда банкларимизда фаолият кўрсатишаётганларнинг асосий қисми ўзбеклар ва ўзбекзабонлардир.

Ҳасаддан ҳазар қиламан. Ўрисларга, миллатпарвар рус хонимларига бўлган муносабатим — ҳавасдир. Қанийди, ўзимизнинг қирққокил, узун либосли, гулли рўмолли опажону сингилжонларимиз ҳам ўрис дугоналарини бир қойил қолдирсалар. Ўз қадрларини билсалар. Она тили қанақа бўлишини кўрсатиб қўйсалар!..

Жаннат оналар оёғи остидадур, деган Ҳадисий каломни эҳтиром ила тинглаймиз. Муҳтарама оналар, опа-сингиллар ҳам шунга яраша бўлсалар кошки эди. Камина бир қаламкаш сифатида миллат тақдири аёлларимизга нечоғли боғлиқ экани, бу борада ўрис аёлларига қанчалик «ҳавас қилишимни» куюб-ёниб баён этдим-у, сўзимни атоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг амриқолик олима — Ильза хонимга атаб ёзган шеъридаги айрим сатрлар билан якун қилишни лозим топдим.

Она тилим!
Меҳринг бу қадар
Азиз экан дилу жонимга.
Термулганча лолу мусаҳҳар
Сўз айтаман Ильза хонимга.

— Минг ташаккур ўзбек элидан,
Яшанг, дунё тургунча туринг.
Илтимосим, шогирдлар билан
Диёримга ташриф буюринг.

Келинг, сизни она юрт учун
Фидолар бир тинглаб қувонсин.
Бу қувончдан лекин бир умр
Жудолар ҳам тингласин, ёнсин.

Ўз элати меҳридан дилин
Ёт тутганлар сизни эшитсин.
Ўз юртида ўз она тилин
Унутганлар сизни эшитсин.

Тўлқин ЭШБЕК.

ЗИЁРАТИНГИЗ ҚАБУЛ БЎЛСИН!

Юртимизда Ҳаж зиёрати насиб этган мўътабар инсонлар сафи яна 3,5 минг кишига кенгайди. Ҳожилик улуғ мартабасига эришиб қайтганларни вилоятимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида учратасиз. Бўкалик Нурахмаджон ака Шодиев шулардан бири. Умр бўйи оддий касб билан кун кўриб, одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келган ҳайдовчи ҳозир нафақадор. Фарзандларини ҳар куни дуо айлаб, замонага шукроналар айтиб яшамоқда. У киши уч ўғил ва уч қизни тарбиялаб, вояга етказганлар ҳамда 33 набира ва 2 чеварани кўриш насиб этган. Бола-чақаларни катта ҳаёт йўлига олиб чиқиб, улардан тинчигач, исломнинг бешинчи рукнини ҳам адо этиш шарафига муяссар бўлдилар: Муқаддас Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марва оралиғидаги масофани етти карра босиб ўтдилар. Аллоҳнинг муқаддас уйи — Масжид ал Ҳарамда қайта-қайта ибодат қилдилар. Яна замзам булоғидан тўйиб-тўйиб ичдилар ва яхши, умидли орзуларини амалга ошириш ниятида она-юртга бу ҳаётбахш сувдан олиб қайтдилар. Куни кеча «мозор босиб келган» ана шу оби ҳаётдан баҳра олганлар:

— Сувдек пок, сувдек сероб, инсонлар учун ҳамиша ардоқли бўлиб юрайлик, — дея дуо қилдилар.

СУРАТДА: бўкалик Нурахмаджон ҳожи оила ва яқинлари даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ҲАЛҚАРО ЎЙИНДА ҒАЛАБА

«Дўстлик» футбол жамоаси таржимаи ҳолининг халқаро мусобақалар «саҳифа»сидаги ғалабалар сони яна биттага ортди. Вилоятимиз футболчилари ўз майдонларида Вьетнам терма жамоаси билан бўлган ўйинда 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Шуниси қувонарлики, улар етакчи ўйинчилар Рустам Шоймардонов, Олим Шокиров, Фарид Хабибулин, Жаъфар Ирисметовлар Ўзбекистон терма жамоаси сафида сафарга отланишган бўлишига қарамай мазкур учрашувда Вьетнам мамлакат терма жамоаси билан тенг кураша олдилар. Айрим дақиқаларда эса устунлик ҳам қилишди. 83-дақиқада ҳозирча ўринбосарлар таркибида тўп сураётган Баҳодир Абдураимов рақиблари дарвозасига ғалаба келтирган ягона тўпни киритишга муваффақ бўлди. Бутун учрашув давомида ёмғир ёғиб турган бўлишига қарамай «Дўстлик» ўйингоҳини муклислар тарк этмадилар. Вилоятимиз футболчилари билан бўлган мазкур халқаро учрашувга қадар вьетнамликлар юртимизда яна иккита ўйин ўтказишди. Улар мамлакат чемпиони «Навбаҳор»дан 0:5 ҳисобида енгилиб, «Бухоро»ни 2:1 ҳисобида мағлуб этишди.

Маълумки, Вьетнам футболчилари ҳам ўзбекистонликлар сингари жаҳон биринчилигининг Осиё саралаш гуруҳларида қатнашишмоқда. Вьетнамликлар 9 майда Ашхободда Туркманистон футболчилари билан дастлабки саралаш учрашувини ўтказишади.

ФУТБОЛ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Осиё Футбол Конфедерацияси ташаббуси билан уюштирилган минтақавий семинар уч кун давом этиб, ниҳоясига етди. Унда Марказий Осиёнинг беш мамлакати — Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонда футболнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, Осиё ва жаҳон футболчиларининг алоқаларига боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда Осиё Футбол Конфедерацияси бош котиби Дато Петер Велаппан, Осиё Футбол Конфедерацияси президент ўринбосари Прия Ранжан Дас Мунши, ФИФА техника бўлими бошлиғи Ерг Ненфер ва бошқа мустасаддилар маъруза қилишди.

ТАЙЁРГАРЛИК ТУГАДИ, ЭНДИ ИМТИҲОН

Ўзбекистон терма командаси жаҳон саралаш учрашувларига кўраётган тараддудни ниҳоясига етказди. Ўн кунлик сафар билан Германияга борган футболчиларимиз у ерда ўқув машғулотлари олиб бориш билан бирга маҳаллий клублар билан учта ўртоқлик учрашуви ҳам ўтказишди. «Парламент» клуби билан бўлган ўйинни 2:1, «Верел» жамоасини 6:1 ҳисобларида мағлубиятга учратиб, «Преусен мюнстер» жамоаси билан бўлган ўйинни 0:0 ҳисобида дуранг қилдилар.

Сафардан қайтган Ўзбекистон терма жамоаси Қибрайда тўрт кунлик ўқув машғулотларини ўтказгач, Янгга йўл олади ва у ерда 9 майда дастлабки саралаш ўйинини ўтказади.

Бу шўрфа олам

ҚУРИҚЧИЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ

Буюк Британия қироллигининг Лондондаги қароргоҳи — Букингем саройи ҳақида эшитмаганлар камдан-кам топилса керак. Мазкур саройга фақатгина маълум тоифа вакиллари киришига рухсат берилади. Шу боис, у жаҳоатчилик кўз ўнгида янада сирли кўринса ажаб эмас. Куни кеча сарой қўриқчилари королича Елизавета II қароргоҳи ичкарисида бемалол айланиб юрган йигитни ушлаб олишди. Жуда қаттиқ қўриқланадиган мазкур саройга унинг қандай йўллар билан киргани барчани ўйлантирмоқда.

Умуман, бундай воқеа Букингем саройи тарихида биринчи марта рўй бераётгани йўқ. Масалан, 1982 йили Майкл Фаган исмли киши королича Елизавета Інинг ётоғигача кириб борганда ҳам ҳеч ким уни пайқамаган. Кироличанинг ўзи ҳам бу пайтда ширин уйқуда бўлган.

1994 йилда эса бундан ҳам қизиқ воқеа рўй берган. Америкалик Жим Миллер парашютдан сакраб, туғилганда қандай бўлган бўлса, айнан ўшандай қиёфада Букингем саройи томига қўнган.

ИШҚИЙ МОЖАРО

Америка Қўшма Штатларида машҳур бўлган Кеннедилар сулоласи хонадони ҳақида янги можаро бошланди. Бу сафарги можаро марҳум сенатор Роберт Кеннедининг ўғли, собиқ Президент Жон Кеннеди ҳамда сенатор Тэд Кеннедининг жияни Майкл Кеннеди билан боғлиқдир. Айни пайтда Майкл балоғатга етмаган қизнинг номусига тажовуз қилганликда айбланмоқда.

Маълум бўлишича, Майкл уйланган бўлишига қарамай, айни пайтда Бостон университетида таҳсил олаётган жазмани билан ишқий алоқаларни анча илгари бошлаб юборган.

Қизиғи шундаки, Кеннедилар сулоласи ҳамиша ишқий саргузаштлар ва севги можаролари билан ажралиб турган. Бу можаролар 30 йил бурун президент Жон Кеннеди ва машҳур кино юлдуз Марилин Монро ўртасидаги «нозик муносабатлар»да ҳам ўз ифодасини топган эди.

КИМ НИМАДАН ҚЎРҚАДИ

Германия Федератив Республикасида 20 дан 30 ёшгача бўлган эркаклар орасида антиқа сўров ўтказилди. Сиз кўпроқ нимадан қўрқасиз, деган саволга, сўралганларнинг ярмидан кўпроғи тиш докторидан қўрқишини маълум қилган. Мазкур тадбирни ташкил қилган «Йойо» номли аёллар журналини эса кутилмаган бошқа натижа саросимага солди. Немис эркакларининг жуда озчилиги ўз севгилисини йўқотиб қўйишдан қўрқар экан.

НОДИР БЎЙИЛИАР

Яқинда Хитойнинг Хэнан вилоятида бўйи 70 сантиметр, вазни тўққиз килограмм бўлган чақалоқ туғилгани ҳақидаги хабар катта шов-шувга айланган эди. Куни-кеча колумбиялик 18 ёшли Брайан Наранхонинг вафоти ҳақидаги хабар ҳам шунчалик шов-шувга сабаб бўлди. Ғап шундаки, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзининг «нодир» бўйи туфайли Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди — бири узунлиги, бошқаси калталиги учун. «Лотин америкасидаги энг жажжи одам» номини олган Б. Наранхонинг бўйи хитойлик чақалоқникидан атиги бир сантиметр узун эди.

(ЎзА).

ТУМАН ГАЗЕТАСИ... ОЙБЕК-УЙ МУЗЕЙИДА

ЎЗБЕК адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг «Навоий», «Қутлуғ қон», «Қуёш қораймас», «Улуғ йўл», «Нур қидириб», «Олтин водийдан шабадалар», «Болалик» сингари ажойиб китоблари кириб бормаган хонадон ва уларни ўқимаган кишилар жуда кам. Адиб ҳаёт чоғларида Юқоричирчиқ туманига бир неча бор ташриф буюрган эди. Айниқса, у туманимизнинг сўлим гўшаларидан бири Кавардон қишлоғида кўп бора бўлган. Айтишларига қараганда Ойбек домла бу ҳудудда 1946 йилнинг жазирама ёзида қозоғистонлик қаламкаш дўсти Абдулла Тожибоев ҳамда адабиётшунос олим Ҳомил Ёқубовлар билан бирга дам олган ва ижод қилган. Ўшандан буён Кавардоннинг мусаффо ҳавосига, сертакаллуф одамларига мафтун бўлиб қолиб, бу жойда тез-тез бўлиб турган. Айниқса, Ойбек хаста кезларида шифокорлар маслаҳати билан шу жойда ҳордиқ чиқариб, дардига шифо топган. Қаламкаш дўстлари Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Комил Яшин, Уйғун, Туроб Тўла, Матёқуб Қўшжонов, Николай Тихонов, Константин Симонов, Берди Кербобоев, Собит Муқонов ва бошқалар Кавардонга келишиб, ёзувчининг соғлиғидан хабардор бўлиб турар эдилар.

Ойбек ўзининг «Олтин водийдан шабадалар» романини Кавардон қишлоғида қайта ишлаб, нашр этиш учун тайёрлаган. Қишлоқда яшаган кезларида Қўчқор, Омилбой, Алмат, Муҳсимполвон, Ўрмон, Турсунмат, Мўминхўжа, Миржамол, Мирюнус, Зуҳриддин, Раҳима, Ўғилбиби каби адабиёт мухлисларига кўп ёрдам берган.

Бу маълумотлар ҳақида ёш қаламкаш, Кавардон қишлоғида истиқомат қилувчи Латифжон Мансуров кўп йиллар давомида туман газетаси «Суръат» (ҳозирги «Суръат-Қарқин») саҳифаларида анчагина мақолалар эълон қилди. Ўтган йили эса уларни жамлаб, «Устозлар хотираси» деган ном билан китоб чоп этди.

Яқинда Л. Мансуров Тошкент шаҳрининг Тазиддинов кўчасидаги Ойбек уй-музейида бўлиб, унинг директори — ёзувчи набираси — Ойнур, ходимлар — Гулчеҳра ва Зуҳра опаларга туман газетасида босилган Ойбек ҳақидаги туркум мақолаларни топширди. Рўзноманинг адибга даҳлдор сонлари кўргазмалар залига қўйилди.

Иномжон ХОЛТУРСУНОВ, журналист.

Об-ҳаво

ЎЗГАРУВЧАН БЎЛАДИ

— Бўлажак беш кунликда об-ҳаво қандай бўлади?

Саволимизга Ўзбекистон гидрометеорология марказидан хабар беришларича, бугун жойларда қиска муддатли ёмғир ёғиб ўтиши, мамақалдироқ бўлиши кутилмоқда. 4-5 май кунлари эса ҳаво очиқ бўлади. Кундуз кунлари ҳарорат 23-28 даража иссиқ, Сўнгра 6-7 май кунлари яна ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Кечалари ҳарорат 10-15 даража, кундуз кунлари 19-24 даррага атрофида бўлади

Тошкент вилояти ҳокими маҳкамаси маданият ишлари бошқармасининг вилоят илмий-услубият маданият маркази қуйидаги мутахассисликлар бўйича

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Маданий-маърифий ишлар бўлимига
бўлим бошлиғи
бош мутахассис
2. Социологик тадқиқот ва нашриёт бўлимига
Катта илмий ходим
Етакчи муҳаррир
3. Мусиқа ва санъат мактаблари бўлимига
бўлим бошлиғи
катта илмий ходим
илмий ходим.

Манзилимиз: К. Ёрматов кўчаси 14. 13-автобус, 7-троллейбус бекати. Тел. 45-94-68.

Акмал Икромов туманидаги «Дилбар С. М.» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Чиноз туманидаги «Зебунисо» номли 45-ўрта мактаб томонидан Нуров Хусан номига берилган АУ 274277 рақамли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги **АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«АДАБИЙ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Дам олиш соатида

Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган сўзлар шаклда хонадан «занжир» ҳолида ёзилади.

1. Саид Аҳмаднинг уч қисмдан иборат асари. 2. «Алпомиш» достони қаҳрамони. 3. Жангчи адиб. «Сайёднинг жасорати» асари муаллифи. 4. Марказий Осиёнинг қадимий халқлари орасида машҳур бўлган жангнома намунаси, қаҳрамон, ватанпарвар аёл ҳақидаги афсона. 5. Тасодифий ва ғаройиб воқеалар тасвирланган бадиий асар. 6. Шеъриятнинг банд тузилишидан бири. 7. Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ахлоқий-таълимий «Қобуснома» асари муаллифи. 8. XIX аср француз адибаси «Консуэло» романи муаллифи. 9. Бирор шоир шеърларининг қофия ва радифларига кўра, алифбо сираси билан тартиб этилган тўплам. 10. Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» тарихий асари қаҳрамони. 11. Машҳур ўзбек халқ эртаги қаҳрамони. 12. XIV аср охири XV аср бошларида яшаб, ижод этган ўзбек мумтоз шоири «Юсуф ва Зулайҳо» достони муаллифи. 13. «Ўтган кунлар» романи қаҳрамони. 14. Алишер Навоий «Ҳамса» асаридаги достонлардан бирининг бош қаҳрамони, вафодор маъшуқа сиймоси. 15. Уйғуннинг «Парвона» драмаси қаҳрамони. 16. Улуғ ҳинд адиби, Ҳиндистон Республикасининг миллий гимни бўлган «Халқ қалби» қўшиғи муаллифи. 17. Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамони. 18. Ўзбекистон халқ ёзувчиси: «Меъмор», «Умид» асарлари муаллифи. 19. Ўзбек мумтоз шоираси. 20. Ижодкор аёл. 21. Абдулла Ориповнинг «Йигитлар мактубин битганда қондан» мисраси билан бошланадиган шеъри. 22. Халқ оғзаки ижоди тури. 23. Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи қаҳрамони. 24. Бармоқ вазни мисраларидаги оҳангдош бўлак. 25. Ғафур Ғуломнинг уруш йилларида ёзган шеъри. 26. Назмий асарнинг кенг тарқалган тури. 27. Воқеий ёки тарихий ҳодисалар нақл шаклида ҳикоя қилинган асар. 28. Қадимги юнон муаррихи Геродотнинг Марказий Осиё ҳаётига оид лавҳалар келтирган нодир асари. 29. Беш мустақил достонни ўз ичига олган асар. 30. XVI аср иккинчи ярми ва XVII аср бошларида яшаб ўтган ҳиндистонлик йирик давлат арбоби, олим ва адиб Абулфазл Алломийнинг Бобурийлар авлоди ҳақидаги асари.



Фозилжон ОРИПОВ.

«Вақт» миллий депозитарийси» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Шамиль Нормуродович Бобоевга фарзанди **АЛИШЕРнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0286. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 18.10.